


## Мазмундор ҳаёт йўли

Илм-фан ва таълим-тарбияга ўз умрини баҳш этиш ва ҳалқ хизматида камарбаста бўлган шогирдлари билан учрашув академик Ҳамраев Нажим Раҳимовиҷнинг руҳини шодлантирсинг. Устоз меҳр-муҳаббат ва муруват тушунчаларини чукур идрок этарди. Уларнинг ўзаро боғлиқлигини илмий-педагогик жараёнда амалий тарзда ҳис этадилар. Институтимиз фондига 2500 дан ортиқ илмий ва бадиий китобларни совға қилиши ҳам шундан далолатdir.

Улар билан боғлиқ бўлган тадбир ниҳоятда мазмунли ва ҳаяжонга бой бўлди. Тадбирда нуфузли меҳмонлар, фан докторлари, академиклар ва академикнинг оила аъзолари иштирок этди. Тадбирни институт ректори Умурзаков Ўқтам Пардаевич очиб бердилар.

Нажим Ҳамраевнинг дўйстлари улар таърифида гапирап эканлар, устознинг илм-маърифатга бўлган меҳр-муҳаббати, эътибори чексиз бўлганлигини таъкидлашди. Минглаб шогирдларни устози бўлган Нажим Раҳимович ўзига хос мазмунли ҳаёт йўлини босиб ўтганлигига асло шубҳа йўқ. Мана бу илмий даража ва унвонлар рўйхати фикримиз кафолатидир.



Ўзбекистон ва Россия қишлоқ хўжалик фанлари академияларининг академиги, Биосфера ҳалқаро фанлар академиясининг академиги, техника фанлари доктори, профессор Америка гидрологлари институти аъзоси, Ўзбекистон ва Тоҷикистонда хизмат кўрсатган ирригатор, Қорақалпоғистон республикасида хизмат кўрсатган қурувчи нишонларига эга бўлган устоз Нажим Раҳимович Ҳамраев 223 та илмий мақола, 12 та монографиянинг муаллифидир. Шунингдек, 40 та патент ва ихтиrolарнинг муаллифлик гувоҳномалари соҳибидир.

Тадбирдан сўнг меҳмонлар учун институт талабалар ошхонасида дастурхон тузатилди ва улар шарафига ош тортилди.

**Институт матбуот котиби: Раҳимбой Жуманиёзов**